

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## «МУРУВВАТ» УЙИДА МУРУВВАТ БИЛАН

Оҳангарон туманидаги ногирон эркаклар учун интернат уйини "Мурувват" деб аташади. Зеро, бу маскандаги 355 нафар бемор, аввало, давлатимиз ҳимоясида, қолаверса атрофидаги меҳр-шафқатли, мурувватли инсонлар гамхўрлигида яшаб келишмоқда. Ҳаётнинг инсонга аталган тўхталари-ю, сир-си-

ноатлари бисёр. "Мурувват"да I, II гуруҳга қирувчи руҳий хаста беморларни парвариш қилаётган 8 шифокор, 25 та ҳамшира ва яна бир қанча кичик тиббий ходимлар ҳар бир инсон яшаш, ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга эканлигини яхши билишади.

Ҳозирги кунда куз-қиш мавсумига тайёргарлик талаб даражасида адо этилди, уйнинг томи 100 фоизга таъмирланди. 10 млн. 108 минг 400 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган олий тоифали шифокор, терапевт Марита Мирсидикованинг айтишича, хоналар 2 ёки 4 кишига мўлжаллаб, қайта қурилди. 3 та ётоқ биносининг ҳар бирида 60 ўринли овқатланиш хонаси ва бошқа зарур муолажалар учун алоҳида кабинетлар бор...

Ҳа, бу масканда беморларга беминнат хизмат кўрсатаётганларнинг ҳар бир савоб иши инсонийликдан дарак.

Сайёра РИХСИЕВА.



СУРАТЛАРДА: «Мурувват» уйини таъмирдан чиқарган «Шоҳруҳ Файз» масъулияти чекланган жамияти ишчилари (чапдан) Саҳоб Зияев, Анвар Мамашков ва Руслан Қурбонов бажарилган ишларни таҳлил қилишмоқда; таъмирдан чиққан ётоқхона ва ошхона.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

#### «Бўстон» бағридаги бўстон

Қибрай туманидаги "Бўстон" сихатгоҳи Обод турмуш йилида янада кўркам қиёфа касб этиб, қулай шарт-шароитларга эга бўлди.

Хусусан, муассасада замонавий андоздаги оилавий кotteжлар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сихатгоҳнинг ички имкониятлари билан барпо этилган бино ҳар бири 2 ва 3 хонали тўққизта кotteждан иборат. Унинг ишга туширилиши билан муассасада бир вақтнинг ўзига 220 кишига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкони яради. Сихатгоҳ худудидаги боғ ва хиёбонлар ландшафт дизайни асосида кўкаламзорлаштирилгани дам олувчиларга хуш кайфият бағишламоқда.

Шунингдек, яқинда сихатгоҳга бош мия, юрак, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари касалликларини даволашда қўл келувчи сўнгги русумдаги ташхис ва даволаш анжумлари ҳам келтирилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

#### Ўн беш дақиқа кифоя

Бекобод шаҳридаги "Металлург" шифохонаси қошида дорихона иш бошлагани бу ерда даволанаётган беморлар ва уларнинг яқинлари учун катта қулайлик тугдирди.

Чунки, бу ерда қундалиқ зарур инъекцион эритмалар ва махсус таркибга эга дори-дармонларни тайёрлаш учун бор-йўғи 15 дақиқа кифоя қилайти.

Ҳозирча шу турдаги дори-дармонлардан 17 хиллини тайёрлаш улаштирилди. Дорихонада ишлаб чиқариш жараёни юқори меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Тайёрланаётган ҳар бир маҳкам лабораторияда сифат текширувидан ўтиб, юқори босимда стерилланади.

Бунинг учун дорихона замонавий фармацевтик жиҳоз ва анжомлар, шунингдек, ўқув-ишлаб чиқариш адабиётлари билан таъминланган. Айни пайтда бу ерда юқори малакали 7 доришунос ишлайпти.

Мухаммад АЪЛОЕВ.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилга амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):  
а) аёллар;  
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;  
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;  
г) чет давлат фуқаролари.  
2. Эҳтиётсизлик оққасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўталма қилган қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қўчга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилин-

майдиған шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибиде жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши – муқаддам ташиқлотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши – муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмити ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўлланishi тартиб-таомилларининг очик-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ.

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 декабрь.

### Тактик ўқув

"Оҳангарон шифер", "Оҳангарондон", "Оҳангаронцемент" очик акциядорлик жамиятларида, "Магнит" комбинатида, туман тиббиёт бирлашмасида, "Бирлик" ва "Орзу" маҳаллаларида тактик-махсус ўқув машғулоти ўтказилди. Қамчиқ довозининг 199-206 километрида Чет-суду кишлоғининг хавфли худудидаги 12 та техника, 23 ишчи-ҳодим ва 200 аҳоли ҳавфсиз жойга қўчирилди. Уларга барча ҳаётий зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шундан сўнг довоз йўлида "Қучи таъсир этувчи захарли моддаларни ташиш вақтида юзага келган аварияларни бартараф этишда ФВДТ худудий қўйи тизимларининг ҳаракатлари" мавзусида тактик-махсус ўқув машғулоти ўтказилди. Машғулотда 7 та махсус техника, 48 нафар шахсий таркиб қатнашди. Довоз йўлидаги кейинги ўқув нуктасида "Қоя тошларнинг автотомобиль йўлига тушиб, авто-

## МАШҚЛАР ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ



мобилларга шикаст етказиши, ёнгин ва тошлар тагида қолган жабрланганларни қутқариш", Оҳангарон тумани газ таъминоти хизматида "Техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлар содир бўлганда объект раҳбар таркиби ва ФМ тузилмаларининг ҳаракатлари", "Эвалик темир бетон" МЧЖда "Техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлар (ёнгин, бино ва иншоотларнинг вайрон бўлиши) содир бўлганда объект раҳбарлар таркиби ва

фўқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари", Почта таъминоти хизматида "Шубҳали почта жўнатмалари аниқланганда раҳбарлар ва фўқаро муҳофазаси тузилмаларининг тўқиб қолган ҳаракатлари" мавзусида тактик-махсус ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Таълим муассасаларида ўтказилган "Фўқаро муҳофазаси кўни" тадбирларида 1593 коллеж ўқувчиси ва 159 ўқитувчи жалб этилди.

### Лукма

Одатда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида фанлар кесимида услубчи-методист, амалиётчи, руҳшунос, талаффузида нуқсонни бор ўқувчилар билан ишловчи дефектолог, кутубхоначи, опера-тор, кўйинки, соҳанинг барча ходимлари учун алоҳида компьютерлашган хоналар ажратилганга қўшимиз ўрганиб, ўзимиз кўники қолган эдик. Аммо...

Яқинда хизмат сафари билан Оққўрғонга борганимизда бунинг бутунлай аксига гувоҳ бўлдик. Қўри-

нишдан унча катта бўлмаган бинода бир эмас, нақ тўртта ташкилот, хусусан, "Оққўрғон овози" газетаси таҳририяти, "Оққўрғон тумани ер ресурслари ва давлат қадас-дастри бўлими хўжалик ҳисобидеги туман ер тузиш ва кўчмас мулк қадас-дастри хизмати", "Оққўрғон табиати муҳофазаси қилиш инспекцияси" ва халқ таълими бўлими ходимлари "ҳамжиҳат" ишлашар экан. Бўлимнинг каталакдек жойда шунча ҳодимни сиздира олганига ҳайратимиз

ошиб, секин ичкариладик. Наридан бора, тўрт ё бешта тор хонада "кўнглини кенг қилиб" ишлаётган ходимларга яратилган "қулай"ликлардан ҳайратимиз янада ошди. Хона деворларидаги ёриқлардан бироз сергакландик.

– Бу вақтинчалик, – деди бўлим мудираси Тамара Аҳмедова. – Яқинда ҳокимиятга шу масала бўйича хат билан чиқдик. Янги бино беришни ваъда қилишди...

Мудира билан суҳбатимиз чоғи-

### «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

#### «СУВНИНГ УВОЛИ ЙЎҚМИ?»

Газетанинг шу йил 15 октябрь (№ 83) сониде юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада Чирчиқ шаҳридаги "Мурувват" ва "Маърифат" кўчаларида қувурлар ёрилиб, ичимлик суви беҳуда оқиб ётгани ҳақида фикр юритилган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат афвлия маслаҳатчиси Б. Нурмухамедов имзоси билан жавоб хати олди.

Хатда маълум қилинишича, "Маърифат" маҳалласида Ойбек кўчасида ҳақиқатан ҳам сув қувури ёрилиб, ичимлик суви кўча ҳолатини бузаётгани аниқланган. Шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонаси сув қувурини таъмирлаб, нохуш ҳолатини бартараф этди.

Шунингдек, жавоб мактубида "Мурувват" маҳалласидаги аҳвол ўрганилганда, бу йил сув қувурлари умуман ёрилмагани, таъминотда узилишлар рўй бермагани маълум бўлди. "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасига аҳоли томонидан шикаят тушмаган.

#### «ЧИПТАЧИ ЎРНИДА... СОМСАЧИ»

Газетанинг 2013 йил 12 октябрь (№ 82) сониде босилган мақолада Тўйтепа шаҳри автобекатидаги тартибсиз ҳолатлар танқид қилинган эди. Вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат афвлия маслаҳатчиси Б. Нурмухамедов ушбу мақола юзасидан таҳририятга жавоб хати йўллади.

Унда маълум қилинишича, мақола эълон қилинганидан сўнг автобекатда ободончилик ишлари амалга оширилди. Чунки тўпланиб қолган 6,5 тонна чиқинди махсус жойга элти ташланди. Атрофдаги дарахтлар оқлиниб, гул кўчатлари экилди, майдонларга ишлов берилди.

Шоҳбекат бошлиғи Ҳ. Ёрматов фўқаролар билан шартнома тузмай, биноларни ижарага бериб юборгани учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳаётнинг тўғрисидаги кодексининг 159-1 моддасига асосан маъмурий иш кўзғатилди.

Туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария бўлими мудири А. Емеқбоев зиммасидаги вазифани лозим даражада бажармагани учун туман прокуратураси интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатди.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қонунбузилишларнинг қилиб чиқилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокимига тақдимнома киритилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Жараён

Ангрндаги "Кўктерек", "8 Март" ва "Нибшоб" МФЙларида раис ва унинг маслаҳатчилари сайлови очик-ошкора, демократик тамойиллар асосида ўтказилиб, бир неча номзодлардан энг муносибларига овоз берилди.

ДАСТУРЛАРИ МАЪҚУЛЛАР САЙЛАНДИ

Сайловчилар маҳалла ободлиги, худудда бунёдкорлик ишларини кучайтириш, аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ишонарли дастурларни баён қилган номзодга овоз бердилар.



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ровот – Бўка туманидаги йирик, кўп аҳоли яшайдиган қишлоқлардан бири. Одатда аҳоли зич яшайдиган маҳаллий ҳокимият органларини бошқариш бир мунча мураккаброқ бўлади. Бироқ, Ровот бундан мустақило. Фуқаролар йиғини раиси Маматқул Аҳмедов маҳалла ҳаёти-

га оид барча ишларни атрофидаги маслаҳатчилари, комиссияларнинг аъзолари ҳамда фаоллар билан кенгашиб ва келишиб ҳал этиб келгани боис, жиддий муаммолар юзга келмади, барча масалаларга вақтида ечим топилиб, хотиржамлик, барқарорлик сақланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида навбатдаги оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайлови бошлангач, М. Аҳмедов ўз номзодини тавсия этишга шайланмади. Сабаби, ёши анча улғайиб қолгани, шу боис кейинги пайтларда бироз толиқаётгани учун "энди дам олсам бўларди" деган фикрда эди. Аммо, фаолларнинг илтимосини қайтаролмай, номзодини кирит-

ди. Сайлов арасида эса аввалги фикрига қайтиб, дам олдини афзал билди ва номзодини олди. Шундай қилиб, сайлов чоғида Абдуманноб Соатов ва Раҳмон Саидов номзодлари овозга қўйилди. Сайлов ёшидаги 7015 аҳоли номидан сайланган 74 вакилдан 59 нафари йиғилишда иштирок этди. Саноқ комиссиясининг маълумотидан аниқландики, вакилларнинг

34 нафари Абдуманноб Соатовга, 25 нафари Раҳмон Саидовга овоз беришди. Абдуманноб Соатов биринчи марта Ровот қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб сайланди. Қишлоқ ахли аввалги оқсоқол Маматқул Аҳмедовга юксак ҳурмат-эҳтиром билдириб, унга тўн кийдириб, истеъфога кузатди. Даврон АХМАД олган сурат.

Семинар-тренинг

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Америкалик жамоатчи фаоллардан бири Митч Шнайдер матбуотда турли шов-шувбо муаммоларни кўтариб чиқишни хуш кўрган. Жумладан, уйсиз фуқароларнинг аҳолининг матбуот орқали шарҳлашни жуда ёқтирган. Интервьюларидан бирида у шундай далил келтирди: "АҚШда ҳар соғияда 45 (!) уйсиз фуқаро ҳаётдан кўз юммоқда". Бу фикрнинг ҳаётга қанчалик яқинлиги ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Иккинчи мисол. Англия АҚШ билан бирга Ироққа қўшин киритиш олдидан матбуот учун махсус маълумотлар баён этилган материал тақдим қилган. Жумладан, унда шундай фикр бор: "Саддам Хусайн ракета қуролларини солаб, Англиянинг ҳарбий базаларини ўққа тутиши учун 45 дақиқа кифоя".

Энди учинчи мисолга эътибор беринг. Бундан ўн-ун беш йил илгари дунёдаги кўпгина олимлар "глобал исиш" муаммосини кўтариб, жаҳон ҳамжамиятининг ваҳимага солуви турли табиий офатларни "ваздал қилдилар". Аммо, орадан шунча йил ўтсада, дунёда ҳамон тинчлик.

Худди шундай Митч Шнайдернинг "45" рақами ҳам ҳақиқатга тўғри келмайдиган далил. Зеро, ҳисоблаб ҳисоблаб, бир йилда АҚШда 1.4 миллиарддан кўпроқ уйсиз киши ўлиб турар экан. Лекин, Американинг аҳолиси, аслида қанча?

Энди Саддам Хусайннинг ракеталарига келсак, аслида Ироқда шундай қуроллар бўлмаганми? Эслаб кўринг. Ироқ фожияси бошлангач пайтда ҳам ракеталарнинг бор-йўқлиги масаласи доимо диққат марказида турган. Бироқ, қатор халқроқ экспертларнинг бирортаси бу масалага оидинлик киритолмаган.

Глобал исиш муаммоси хусусидаги манзарани эса бугун ҳамма кўриб турибди. Хулоса шунки, учала ҳолатда ҳам матбуот ўз "қудрат"ини намойиш этган. Бироқ, ёлгон бугун бўлма-са, эртага, албатта фож бўлади. Чунки, Шнайдернинг 45 рақами сохта, қалбаки эканини одамлар оидий ҳисоб-китоб орқали билиб олдилар. Митчининг

ҲУНАРЛИНИНГ НОНИ БУТУН

Паркент тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тadbиркорлар уюшмаси кийим-кечак, пойабзал тиқши, тaъмирлаш, металл буюмлар ясаш, сартарошлик ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш каби ўн санксиз турда фаолият юритишмоқда.

Яқинда бу ерда "Вилоятмаишийхизмат" уюшмаси ҳамкорлигида оидий, лекин кундалик ҳаётимизда зарур бўлган хунарларни эгаллаган уюшма аъзолари учун "Моиҳир кўлар" тadbирини ўтказилди. Қўшни туман ва шаҳарларда маиший хизмат соҳасида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган касб эгалари ҳам тақлиф этилди. Тadbир давомида касбига садоқат билан ёндашиб, эл-юртда ҳурмат қозонган тўрт тadbиркор "Вилоятмаишийхизмат" уюшмасининг сертификати билан тақдирланди. Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Оҳангарон тумани sanoat касб-хунар коллежида ҳокимлик, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бўлими, туман прокуратураси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ЁШЛАРГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Худуддаги 28 қорхона ва ташкилот 312 та бўш иш ўринлари билан иштирок этган ярмаркада маҳаллий ёшлардан 32 нафарига меҳнат йўлнамалари берилди. Уларнинг 10 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир. Тadbирда "Қишлоққурилишбанк"нинг туман филиали кредит бўлими мутахассислари ўз бизнеси ва тadbиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги фуқароларга бизнес лойиҳаларини тайёрлаш ва банк кредитларини олиш юзасидан зарур маслаҳат ва тушунтиришлар беришди. Нурихон НУЪМОНОВА.

Вилоятимиздаги коллеж ва академик лицейларда тaълим жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларни ҳар томонлама савиясини ошириш, ёт оқимлар, турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишда маданий-маърифий тadbирларнинг аҳамияти катта бўляпти. Хусусан, Зангиота академик лицейида ўтказилган видеолектрада юқоридаги мавзулар қамраб олинди.

Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодийет касб-хунар коллежида бўлиб ўтган худди шундай тadbирда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, эрта турмуш қуриш, ўз жонига қасд қилиш каби турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни оммавий маданият таъсиридан асраш, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, шунингдек, дарс ўтиш сифатини яхшилаш борасида суҳбатлашилди.

Коллежда бухгалтерия, компьютер, тикувчилик, маиший хизмат, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича 1380 ўқувчи сабоқ олмақда. Шулардан 678 нафари

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Пойтахтдаги бокс саройида ўсмир ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги муСОБАҚАЛАРИ бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг энг кучли спортчилари 14 та вазн тоифасида ўз имкониятларини синаб кўрдилар. Мусобақаларда терма жамоа таркибидagi 28 нафар спортчи вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Хусусан, вакилларимиз 5 та олтин медал билан республика кубогини қўлга киритишди. Умида ИСАЕВА.

КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛ

Вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Тошкент Давлат аграр университетидега ўтказган акция шундай номланди.

Кенг жамоатчилик, хусусан талаба-ёшлар иштирок этган акциянинг мақсоди ва вазифалари ҳам қўламли: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсати концепциясида белгиланган ёшлар ўртасида касба уюшмаси аъзолигига ундовчи омиллари кучайтириш, уларни талабалик давриданоқ касба уюшмалари тўғрисидаги тушунчаларини тўғри шакллантириш, ҳар томонлама етук мутахассис бўлишга интилишларини қўллаб-қувватлаш, Ватан тўғриси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш орқали

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, айни пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаш ҳолда яшаш, куч-қувват ҳамда қизиқишларини бунёдкорлик ишларига йўналтириш каби хайрли ниятлар ўз натижасини кўрсата бошлагани кенгаш аъзолари, тadbир катнашчиларини бирдек қувонтирди. Чунки касба уюшмалари ўз фаолиятида "Инсонга наф келтириш – олий бахт" деган қондага амал қилишди. Шу мавзуга йўналтирилган



барча маърузалар, тарқатма материаллар, буклетлар акция иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Сайёра РИХСИЕВА. Қобилжон ҒАФУРОВ олган сурат.

ФАРОВОН КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ



Чирчиқ шаҳар касб-хунар коллежидега Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлими, Адлия вазирлиги вилоят бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Қамолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Хуқуқий саводхонлик – фаровон келажак қафолати" мавзусида давра суҳбати

ташкил этилди. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар билан таништириш ҳамда Конституция ва унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр алмашиш мақсадида уюштирилган давра суҳба-

ти қизгин тарзда ўтди. Барча тегишли ташкилот ва муассасалар ходимлари, коллеж ўқувчилари, сиёсий партиялар "Ёшлар қаноти" фаолларининг фикр-мулоҳазалари асосида келгусида ёшлар қамолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Сайёра ЭШМАТОВА. Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

ҲАР КУННИНГ ЎЗ НОМИ БОР



қизлар. Уларга 43 нафар олий маълумотли ўқитувчилар дарс ўтадилар. Коллежда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. "Орас-та қизлар" тўғраги доим ўқувчилар билан гавжум. Тўғраққа коллеж ҳамшираси Дилбар Қорабоева раҳ-

барлик қилади. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Барно Эргашева ҳар бир ўқувчини илм олиши, давомати ва кийинишига эътибордан қолдирмайди. Коллежда ҳафтанинг ҳар бир кунини ўзига хос мавзуга

бағишланиб номланган бўлиб, шунга мос равишда очик дарслар, қўшимча машғулот, учрашув ва тadbирлар ўтказилади. Жумладан, душанба – кийиниш ва муаммала маданияти; сешанба – соғлом турмуш тарзи; чоршанба – оммавий мада-

ниятга қарши кураш; пайшанба – хонадон ва экология; жума – орас-талик; шанба – китобхонлар кунини дея номланган.

Иқтидорли ўқувчиларимиз кўп, – дейди коллеж директори Аскар Бахромов. – Уларга салоҳиятларини намоён қилишларида кўмаклашиш, озгина бўлсада ютуқларини рағбатлантириб бериш бизнинг вазифамиз. Зеро, бу ёшдаги ўқувчилар кичик эътибордан ҳам руҳланишлари ёки ақсинча қилган яхши ишнинг ҳеч қандай сезамидея тушунлиққа тушишлари мумкин. Буни яхши идрок этган коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар бор билим ҳамда кучларини ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сарф-ламоқдалар.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА. СУРАТДА: тажрибали устоз, биологика фани ўқитувчиси Гулбаҳор Самандова ўқувчиларга мавзунини тушунтиряпти. Даврон АХМАД олган сурат.

Янгийўл туманидаги 68-умумтаълим мактабидега воғга етмаган қизлар ўртасида жиноятчилик, эрта турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввур ва билимларини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, 2-ФХДЁ бўлими, ИИБнинг воғга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи ходимлари иштирок этган тadbирда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг моҳияти, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қизларнинг эрта турмуш қуриши оқибатлари масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

Шунингдек, тумандаги Убай Мусаев номли қишлоқ фуқаролар йиғинида Конституция қабул қилинганнинг 21 йиллиги бағишлаб, туман ҳокимлиги маҳалла ахли билан учрашув ташкил этилди.

Худуддаги таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳаллалар аҳолиси иштирок этган тadbирда сўзга чиққанлар Конституция – юртимизда янги ҳаёт ва янги жамият қуришнинг пойдевори экани, Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга кенг тушунтиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлашди. Шахло ФАЗЛИЕВА.

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

ОИТСга қарши кураш кунини муносабати билан Ўзбекистон ХДП Бекобод туман кенгаши "Истиқлол" ёшлар қаноти "Қамолот" ЁИҲ туман кенгаши билан ҳамкорликда касб-хунар коллежи талабалари ўртасида иншолар танловини ўтказди.

"Ёшлар – ОИТСга қарши" мавзусидаги танловда саноат ва транспорт касбухонроқ ўқувчиси Бехзод Колмонов юқори баҳо олиб, ғолибликни қўлга киритди. Карим МАВЛОН.

НАҚАДАР ЁҚИМЛИ ҲИС БУ...

она юртида "ватан хоини" деб эълон қилинган ва қайтган кунини ҳисобга олиниб, унинг жаозаси берилиши тайин эди. Буни яхши билган фильм қаҳрамони чегарани бузди. Ватани худудига ўтди-ю, ерни кучиб, тупрогини тинмай ўпади, кўзига суртди, Аллоҳга шукрлар айтади ва... ўз жонига қасд қилади. Чегарачилар жасадни топганларида енидан: "Мени фалон жойга дафн қилишингизни ўтганиб сўрайман" деган та чиқади. Болагинида ҳам, улғайганимда ҳам "бу кино-да, тўқийверишда" деб ўйлардим. Қарангки, тақдир тақозоси билан пул ишлаш ниятида бир неча танишлар хорижга жўнади. Катта ваъдалар берган киши одамфуруш экан. Ўз ҳамюртларининг қўйини пуч

ёнгоққа тўлдириб, чет элга олиб чиқарқан-у, сотиб юбораркан. "Бирга бўламиз" деб ваъдалашган уч-тўрт ҳамқишлоқ зўрлик оқибатида ҳар тарафга тарқалиб кетиб, қулга айланди-қолди. Кучиб, нонга зор бўлиб, қоронги, зах хоналарда, худди маҳбусдек яшадим. Овқатни ўлиб қолмаслигим учун "томизги" қилиб беришарди, худда беҳудага қалтаклашарди. Ўтган бир йил ичида қурманг хўрлигим, тортмаган азобим қолмади. Бахтимга охириги ишлаган хонадонимнинг эгаси инфофли киши экан, мени тушунди. Ватанимга қайташимга қўмаклашди. Хорижда юрган пайтларимда Ватан мени, нега энг буюк зотга тенглаштириб, она-Ватан дейилиши, Ва-

танин қўмаси нима эканини чинакамига тушундим. Бир вақтлар қурган киноим бош қаҳрамонининг ҳолатини шунда англадим, бутун вужудим билан ҳис этдим. Ўзбекистонга қайтдим-у, тупрогини кўзимга суртдим. Кейин "Чорсу" бозорига йўл олдим. Ҳеч нарсага қарамай, фақат нон растасини сўроқладим. Ох, нақадар ёқимли, нақадар хузурбах ис... Бир жуфт патир сотиб олиб, бағримга босдим, тўйиб-тўйиб худдадим. Шу дамда ўқиб-ўқиб йиғлагим келди. Ўйлаб қолдим. Ўзбекистоннинг 30 миллионга яқин аҳолиси ўз юртида, уйда яшаб, меҳнат қилаётган, ризқ-насибсини она-тупроғидан териб еяпти. Фақат менга ўхшаган аҳмоқларгина ҳар кимга ишониб,

чет элдан катта бойлик, роҳат излашаёпти. Тўе у ерда кўчага пулни сочиб қўйишган, териб олсанг бах.

Эътироф

Ўқувчиларнинг илмга чанқоқлиги, мустикал фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгилик ва кашфиётларга қизиқиши биз ўқувчилар олдига катта талаблар қўяди. Ўз устимизда ишлашга, малакамиз-

ни оширишга ва таълим тизимидаги янгиликлардан бохабар бўлишни ундайди. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида шундай имконга эгамиз.

Ўқувчиларни изланишга ундаш – асосий вазифамиз

Авваллари айрим педагоглар узро таъриба алмашмас, ўқувчиларни дарсга қизиқтириш ва олган билимларини мустақамлаб боришларида қўл келувчи интерфол усуллари билмас, ахборот коммуникация технологияси ўзи нима, ундан қандай фойдаланилади маълумиди саволларимиз очилганда қоларди. Бундан кўпроқ мен каби бошланғич синф ўқувчилари азият чекарди.

Бор билимларини ишга солиб, касбимизга садоқатимизни ҳам рухий, ҳам ақлий жиҳатдан мустақамлашга қўл келувчи усуллари билмас, ахборот коммуникация технологияси ўзи нима, ундан қандай фойдаланилади маълумиди саволларимиз очилганда қоларди. Бундан кўпроқ мен каби бошланғич синф ўқувчилари азият чекарди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлари вилоятимиз шаҳар ва туманларида қандай давом этмоқда? Зангиота тумани ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Абдулазиз Алиматов бу ҳақда "Тошкент ҳақиқати" мухбирига қўйилган сўзлаб берди.

Ҳар йили куз-қиш мавсумида, яъни 20 ноябрдан 20 декабрга қадар бемаврид ёнғинларнинг олдини олиб, аҳоли тураржой ва мол-мулклар, корхона, ташкилот, муассаса ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари объектларини ёнғиндан асраш мақсадида ўтказилаётган хавфсизлик ойлари бешмаврий бўлаётди, албатта. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги ёнғин хавфсизлиги ойлари ўтказишга оид қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг фармойишига мувофиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқибли, жойларда бажарилаётгани назорат қилиб боришмоқда.

Бундан ташқари, хавфсизлик ойлари ижроси савияда ўтказиш мақсадида туман электр ва газ ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, "Маҳалла" жамоат фонди билан ҳамкорликда



қўшма режа ишлаб чиқилиб, тарғибот ишларини янада кўчатириш ва таъминоти ошириш мақсадида, серкатнов йўл бўйлариди, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги ойлари ўтказилаётгани ҳамда хавфсизлик қондалари риюа этиш тартиб-қоидалари оид 20 дан зиёд баннерлар ўрнатилди. Ёнғин хавфсизлиги қондалари аниқ кўрсатилган олти турда 2000 дан кўпроқ эслатма ва варақа-

лари тайёрланиб, таълим муассасалари, маҳалла, корхона ва ташкилотларда мунтазам ўтказилаётган суҳбатлар жараёнда аҳоли ва тегишли ташкилотларга тарқатилмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, хусусан, туманининг "Истикбол" ҳамда вилоятнинг "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарида мунтазам мақолалар эълон қилинмоқда.

Шу йилнинг ўтган даврида ўз берган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаб-

рига зид камчилик ва муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, ишчи-хизматчи ва маҳалла фуқаролари иштирокида ёнғин ҳамда факултетада вазиятлар чоғида тўғри ҳаракатланишни ўрганиш мақсадида тез-тез ўқув машғулотлари ўтказилаяпти.

Жойларда тунги текширувлар ўтказиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар юзасидан туман ҳокимлиги ахборотнома, тегишли ташкилотларга тақдирнома-лар киритаяпти. Туман газ ва электр тармоқлари ходимлари билан ҳамкорликда 24 та газ тақсимоти нуқталари ва 36 та трансформатор пунктлари текшириб чиқилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ижроси назорат қилиб бориляпти.

Хавфсизлик ойлари давомида тумандаги 183 та ерости сув олгичларидан 20 таси, 74 та сув ҳавзасидан 12 тасининг ҳолатини текшириб, носоз сув манбалари, шунингдек, аниқланган камчиликлар ҳақида ташкилот раҳбарлигига тақдирнома-лар киритиш режалаштирилган.

Суҳбатни Абдусамат Йўлдошев ёзиб олди. Даврон Аҳмадов олган сурат.

Партиялар ҳаётидан

ҲАР БИР АЁЛ – ФАОЛ

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори ҳамда туман кенгашида "Фаол аёллар" қаноти етакчилари иштирокида "Ўзбекистон ХДП "Фаол аёллар" қаноти етакчиларининг сиёсий ва касб соҳалигини ошириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбир доирасида "Фаол аёллар" қаноти етакчиларининг режа асосида олиб борган ишлари юзасидан маълумотлар берилди. Ҳар бир аёл жамиятда фаол дегим келадди, – деди Қўрай тумани "Байтўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилором Салимова. – Ойларда ҳам, жамиятда ҳам аёлнинг ўрни юкка катта. Аёл жамиятнинг гурури, тенги йўқ тимсол. У илми бўлса, фарзандлари комил инсон бўлиб воғна етади. Тадбирда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир сўнгига "Фаол аёллар" қаноти фаолияти, келгуси режалар хусусида тақлифлар ишлаб чиқилди.

Наргис ҲАСАНОВА.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони" сарловлида дастурдаги асосий йўналишларни амалга оширишда партия фаолиятини янада жадаллаштиришнинг долзарб вазифалари тўғрисидаги партия сиёсий кенгашининг X пленуми қарорлари ижроси юзасидан вилоят партия ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда вилоят партия ташкилотининг иштироки, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда туман, шаҳар партия ташкилотлари пленумларида Ўзбекистон "Адолат" СДП уставининг янги тахрири юзасидан тулган тақлифлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда сўзга чиққанлар оқоридаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди. Пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Мохнур РУСТАМОВА.

ВАТАН КЕЛАЖАГИ СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА

Тошкент давлат аграр университетига Ўзбекистон Республикаси Қўшмақ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоят ақлия бошқармаси, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланиш мониторинг қилиш мустикал институти, вилоят ўрта махсус касб-хўнар таълими худудий бошқармаси "Қамолот" ЕИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда "Ватан келажаги сенин қўлинда" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан маърузачилар "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" давлатимиз ҳамда жамиятимизни ривожлантиришни мутлақо янги босқичини бошлаб берганини таъкидлашди. Азиза САЛАМУЛЛАЕВА.

ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ ЭМАС

Қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига эҳтиёжи ортиши сабабли ёнғин хавфи кучаяпти. Нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар йили ноябрнинг охири ва декабр ойи бошларида "Ёнғин хавфсизлиги ойлари" ўтказилмоқда.

Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли тураржойларида содир бўлаётгани боис давлат ёнғин назорати ходимлари, профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, газ ва электр таъминоти ташкилотлари мутахассислари билан ҳамкорликда ойланиннинг ўтган даврида 176 мингдан зиёд аҳоли тураржойлари, 2796 дан ортиқ кўп қаватли уйлардаги ёнғинга қарши ҳолат кўздан кеңирилди.

Давлат ёнғин назорати ходимлари ёнғин қиқирига сабаб бўлувчи носоз газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида маҳалларда 1228 марта ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида 614 марта учрашувлар ўтказиб, фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қондаларини ташкилотида, шунингдек, шаҳар ва туман марказларидаги кўчаларга, корхона ва ташкилотларга 700 тадан зиёд баннер, панно ҳамда широрлар ўрнатилди.

Ойлик давомида корхона ва ташкилотларда, маҳалларда, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари, олий ва ўрта махсус билим юрталари ва тиббиёт муассасаларида учрашувлар ўтказилиб, 100 мингдан ортиқ эслатмалар тарқатилди. Вилоят худудиди халқ ҳўжалиги корхоналари билан уй-жой мулкдорлари ширкатларида

Афсуски, айрим фуқаролар ёнғин хавфсизлигига эҳтиёрсизлик қилиб, иситиш ва газ мосламаларини мавсумдан олдин таъмирлашмагани, иситиш печларининг дудбуронлари тазаланмагани, баъзи хондонларда ўзбосимчаллик билан лойиха қаламбоқига зид ҳолда турли иситиш печларини ўрнатиш, газ ускуналарини бошқа жойга қўчириш ва носоз электр ускуналаридан фойдаланиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ойлик давомида корхона ва ташкилотларда, маҳалларда, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари, олий ва ўрта махсус билим юрталари ва тиббиёт муассасаларида учрашувлар ўтказилиб, 100 мингдан ортиқ эслатмалар тарқатилди. Вилоят худудиди халқ ҳўжалиги корхоналари билан уй-жой мулкдорлари ширкатларида

Ойликнинг дастлабки натижалари шунки қўрсатдики, аниқланган айрим камчиликларга қарамай, маҳалла фаоллари, муассаса, ташкилот, корхона ва ҳўжаликлар раҳбарлари, фуқароларнинг ёнғинга қарши тадбирларни кўнгилдагидек ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Фуқароларнинг фаоллиги эса ёнғинларнинг олдини олиш, давлат ва шахсий мол-мулкларни асраш ҳамда одамлар хавфсизлигини таъминлашнинг бирламчи шартидир. Фахриддин АБДУМВЛОНОВ, вилоят ИИБ ЁХБ катта муҳандиси.

ЎТ ЎЧИРВЧИ ҚУРОЛИГА ТАЯНАДИ

Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси маҳаллий ҳокимликда, тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда 17 минг 838 та объектдан 1002 тасининг ёнғинга қарши ҳолатини ўрганиб, давлат тасаруфидидаги 515 та маскан, 70226 та аҳоли хондонни, 1062 та кўп қаватли уйлардаги 24 минг 76 та хондонни текширувдан ўтказди. 109 мингдан зиёд ишчи-хизматчи ва фуқаро билан 2526 та учрашув ўтказилиб, 1278 та ёнғин хавфсизлиги бурчақлари ташкил этилди.

бизланувчи, уларнинг устозлари, даволанувчи ва ишчи-хизматчилар билан ўқув машқлари ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини тарғиб қилувчи 82 турдаги 104 минг дона эслатма ва плакатлар, 161 турдаги паннолар ишлаб чиқилиб, шаҳар, туман марказларига ўрнатилди.

17 дона ёнғин ўчириш калқони ва бошқа асбоб-анжомлар харид қилинди. Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" маданият саройида ойлик доирасида назарий ва амалий семинар ўтказилди. Унга коллеж ва мактаб ўқувчилари тақлиф этилди. Тадбир давомида ёнғинни сув ва кўпик билан ўчириш машқлари, махсус кийимлар намоиёшини иштирокчилар учун янада қизиқарли бўлди. Маълумотларга қараганда, яқинда Ангрен шаҳрида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун Volvo заводидан 60 метрли нарвон хари

қилинди. Қўшимча махсус Isuzu автотранспортлари ҳам келтирилди. Шу кун "Максам-Чирчик" корхонаси ишчи-ҳодимлари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Корхонада минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади, – дейди "Максам-Чирчик" корхонасидаги 1-ҳарбий-лаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми экипаж командири Эргаш Қосимов. – Ишчимизни ингилтлаш учун янги ва замонавий автоулов, асбоб-ускуна ва жанговар кийимлар харид қилинди. Хуршида НАЗАРОВА.

Ҳурматли тадбиркорлар!

"Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича худудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини "Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" ва "Очиқ эшиклар кунини" эълон қилинади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектларни техник кўриқдан ўтказиш ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефонни орқали мурожаат қилишини мумкин.

Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАХОСИ БОСҚИМЧА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 21.06.2013 й. № 725/14-сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. "BMW" д.р. 01 Т 669 DA. Бошланғич баҳоси – 10 606 680 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. "IVEKO" д.р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси – 80 340 312,64 сўм. 3. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. "HATSAN" д.р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси – 42 311 896,67 сўм. "АРК БУЛОҚ" ТИФ пости худудиди сақланмоқда. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 03.04.2013 й. № 2-4413-сонли ижро ҳужжати асосан 2012 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 F 401 OA. Бошланғич баҳоси – 22 897 845 сўм. "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланмоқда. 5. Янгийўл тумани СИБ томонидан 04.10.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2010 й. и.ч. "Сартива RLD" д.р. 10 070 KAA. Бошланғич баҳоси – 59 534 971,2 сўм. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор қ.ф.й., Чирчиқ кўчаси, 1-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 30 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқориди автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион голлиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хондон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАХОСИ БОСҚИМЧА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАҚРИРИЙ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан, 2013 йил 28 августдаги № 11-1331/8283-сонли ижро ҳужжати асосан, Пискент шаҳри, Жамбул кўчаси манзили бўйича жойлашган: 2.43 Га ер майдонида жойлашган "Гилшт заводи" биноси ва "ҳом фишт ишлаб чиқариш" савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 185 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 16 январь кунини соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочи-

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАХОСИ БОСҚИМЧА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Хамза тумани СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 1-382/13-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Хамза тумани, М.Ривезий кўчаси, 17-уйда жойлашган тугалланмаган кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 2 265 544 282 сўм. 2. Хамза тумани СИБ томонидан 06.09.2013 й. № 1-3496/13-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Янгийўл қ.ф.й. худудиди жойлашган 2 қаватли қандолатчилик ҳеши ва коровулхона. Бошланғич баҳоси – 200 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 14 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқориди мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион голлиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хондон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052

«ОХАНГАРОНШИФЕР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КОРХОНАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ХОМ АШЕ – АСБЕСТНИ (А5-65, А5-57, А5-50) МАРКАЛИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ ОРҚАЛИ СОТИБ ОЛИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. МУРОЖААТ УЧУН Тел.: (8370) 645-14-66, 645-51-67. e-mail: market@shifer.uz

Ўзвиносаноат-Холдинг компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига тақлиф этади. Иш тартиби: дундаба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

Юнусобод тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган яқка тартибдаги тадбиркор Махмудов Талъатжон Нигмат ўлига (ИНН 602184884) тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"MAX PROGRESS MILK OIL" МЧЖнинг устав жамғармаси 134 000 000 сўмдан 72 000 000 сўмга камайишини маълум қилинади.

Яқкасарой тумани ТСРҮИ томонидан 2003 йил 30 октябрда 000037-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TRANSBEYNAK" МЧЖнинг устав жамғармаси 33 557 493 сўмдан 27 712 894 сўмга камайишини маълум қилди.

Юнусобод тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "SLANZER BIZNES" МЧЖга тегишли бўлган бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"OMAD TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган ГБАСПГ ЗИЛ 431412 русумли, Давлат рақами 01 Z 829 KA автотранспортлиги шаҳар ва шаҳар атрофида юк ташиш учун берилган AT 1259081 ҳамда AT 1259085 лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани ТСРҮИ томонидан 21.11.2011 йилда 001622-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Мирзо Улугбек тумани, Дархон 1-берк кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган "REAL SKY TRANS" (ИНН 205954354) МЧЖнинг ташкилий ҳужжати шакли "REAL SKY TRANS" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Тел.: 237-11-00.

Ўзбекское отделение Международной Федерации Спортивного танца, зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Узбекистан, свидетельство о перерегистрации № 117 (И) от 09.06.1995 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзар-2, дом-48, ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

От спорти

МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

Зангиота туманидаги "Jokey" от спорти клубида Конституция кунига бағишланган Тошкент шаҳри очик биринчилиги ўтказилди.

Ўзбекистон от спорти федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Олимпия қўмитаси ҳамкорликда ташкил этган икки кунлик мусобақалар қизикarli ва эсда қоларли воқеаларга бой тарзда ўтди.

Республика олий спорт маҳорати мактаби тарбияланувчиси Тимур Азизов ва

"Пегас агромастер" жамоаси вакили Оқил Собиржонов ёш бўлишларига қарамай, ўз чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этишди.

Ғолиб ва иштирокчиларга от спорти федерацияси ҳамда ҳомийларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Бу йилнинг сўнгги мусобақаси эди. Кейинги от спорти мавсуми 2014 йил баҳорда бошланади.

Севинч РУСТАМОВА. Азамат АХМЕДОВ олган сурат.



Кўргазма

СУРАТЛАРДА БУГУНГИ ҲАЁТ АКСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган фотокўргазма очилди.

Маросимда фоторасомлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва турли касбдаги илҳомдорлар қатнашди. Бир неча залга қўйилган экспозицияларда Ўзбекистон Бадий иждоқорлар уюшмаси аъзолари, республиканинг таниқли фоторасом ва фотожурналистлари, Тошкент фотосуратлар уйи қошидаги ижодий фотография мактаб-студиясида тахсил олган иждоқорларнинг 200 га яқин фотосуратларидан намуналар қўйилган. Уларда Тошкент шаҳри, Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳар-қишлоқлари кифаси, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, йил фасллари, кеча-кундузнинг турли кўринишлари, айниқса, доим ҳаракатдаги ёшлар, бегубор, кувноқ болалар, замондошлар, спорт ўйинлари, байрамлар, ҳайвонот дунёси акс этган.

Экспозицияга қўйилган "Чорвоқ сув омбори" (муаллиф Анастасия Ким), "Чорвоқ. Осойишталик" (Анастасия Злобина), "Ангрена баҳор" (Елена Володина), "Қишлоқ манзараси" (Янгийул туманидаги қишлоқлардан бири) ва "Чимён" (Ольга Володина), "Бекобод. Сирдарё бўйидаги оролчалари боғловчи кўприк" (Султонбой Дехқонов) каби фотосуратлар кишига завқ бағишлайди, мулоҳазаларга чорлайди. Журналист, фоторасом Султонбой Дехқонов фотосуратларини намоиш этибгина қолмай, экспонатлар ёнидаги давра сўбатларида ҳам фотоллик кўрсатяпти. Ёш фоторасомлардан маслаҳатларини аямайди.

Бу ерга келган санъат илҳомчилари қатор фотосуратларда ёрқин руҳ ва ҳаёт фалсафасидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар ифодасидан завқ олиб, байрамона кайфият ҳис этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Хонадонимизни таъмирлаш баҳонасида ёзув столи ва жавонларни бўшатаётсак, "юз-кўзи иссиққина" эски бир рўзнома чиқиб қолди. "Давр овози". Туманимиз газетаси. (Ҳозир бу газета "Қибрай садоси" номи билан нашр қилинмоқда. Кейинчалик билсак, Олтириқ тумани газетасининг номи ҳам шундай экан...). Умирлик чоғларимданқо қадрдон бўлиб қолган нашрни кўлга олиб, аста varaқладим. Ҳаяжон қоплади юрагимни. Ўзим учун факулдада муҳим ва қимматли бир нарсани топгандек бўлдим. Негаки, унда менинг илк хабарим чоп этилган эди...

Ўқувчилик йилларимни, жонқуяр адабиёт ўқитувчимизни эсладим. Беш киши ишлайдиган туман газетаси тахририятига қимтиниб, елка қисиб келган, муҳаррир у ёқда турсин, оддий адабий ходимни кўрганда ҳам, гапимни йўқотиб қўйган пайтларим кўз олдимда гавдаланди.

Халослаб қисам, биринчи хабарим туман газетасида чоп этилганида еттинчи синфда ўқирканман. Бу ёғини сўрасангиз, шу "тарихий воқеа" туфайли касбимизга оид биринчи ва ўта муҳим танбехни ҳам олгандим.

Аслида, шеър, ҳикоя ёзиш "касали" деярли ҳаммага болалик пайтлари бир ёпишиб кўради. Худди қизамиқ касалидек. Чалинмай, иложингиз йўқ. Кимдир бу "дард"дан зумда тузалиб кетса, кимдир умрбод мубтало бўлади-қолади...

Бизга ҳам шу дардан озмоз қўйиб, пойинтар-сойинтар шеър лавҳалар ёзиб юрган кезларимиз. Туман газетасига юборган дастлабки машқларимиз ҳеч қандай жавобсиз қайтиб турган пайтлар...

«ЖАЛОЙИР» САҲОЗАТИ

ёхуд бир «хабар» хангомаси

Бир кунга газета муҳаррири Абдуҳамид ака Фозиловдан конкрет фактлар асосида хабарлар ёзиш топширини олдим. Нимани ёзишни билмай, бошим қотиб юрганида, қўшни қишлоққа йўлим тушди. Бораётим, разм солсам, колхознинг машина-трактори сақланадиган майдонда икки киши алмисокдан қолган ускуна-ни тариллатиб, бетондан гишт ясаётти. Шлоқоблок ишлаб чиқарадиган цех очилди-да, деб ўйлаб, шу ҳақда туман газетасига ахборот ёзиш фикри тургиди. Дарҳол боғли ишчилардан қорхонанинг эгаси қишлоққа кўнига нечта гишт тайёрланаётганини билди олдим. Мактабга борган, математика дарсида ўтириб, (ўқитувчимиз Жумагул опа-ни унутиб бўларканми?!)"муҳим хабар"ни қозғога туширдим. Дарсдан сўнг қадрдон даргоҳ – туман рўзномасига йўл олдим.

Газета тилида айтганда: жой бор эканми, нашрга тайёрланаётган сондаёқ хабарим босилиб чиқди. Рукн: "Жамоатчи муҳбиримиз ха-

бар қилади". Сарлавҳанинг жарангдорлигини қаранг – "Жалойир" саховати".

Ўқотиб ўқийман: "Туманимизнинг "Жалойир" маҳалласида янги қорхона очилди. Маҳаллий тadbбиркор Ф. Мусаев саъй-ҳарака-

ган кунги туман марказидаги киосқадан шу сондан даста-даста сотиб олиб, синфдошларга, ёр-биродарларга "шаҳсан муаллифдан" деб дастхат ёзиб тарқатганими эсласам, ҳали кулгим келарди.



ти билан иш бошлаган мазкур қорхонада деворбоп қурилиш ашёси – шлоқоблок гишт ишлаб чиқаришмоқда. Қорхона жамоаси ҳар кунги қурилиш нукталарига 1000-1200 наодан сифатли гишт этказиб бермоқда. Тadbбиркорнинг айтишича, бу ҳали ҳаммаси эмас. Улар қўшимча технология қувватларни ўзлаштириш ҳисобидан яқин орада қорхона қувватини икки-уч баробаргача кўтаришни мақсад қилганлар". Имзо: "Жамоатчи муҳбиримиз" деган қайт-ҳам бор.

Бирок, ҳамма машамаха хабар чоп этилган куннинг эртасига бошланди.

Мақтабга мени икки киши қидириб келди. Ҳаётининг миздан сураб, "ноль олити" га босишди-ю, олиб кетишди.

Бир зумда манзилга – ҳалиги қорхонага етиб келдик. Иккита енгил машина, унинг олдида пўрим қийинган беш-олти киши турибди. Шунда билдимки, бу ерда жиддий бир гап бўлган.

Ҳалиги кишилар икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро нима-лариндир талашиб кетишди.

Мени ҳам каттиқ-қуттиқ сўроқларга тутишди. Кўрқанимдан йиғлаб юборай дедим.

Бир кинода "Шоҳ – сохта экан!" деган машур иборани эшитгансиз. Шунга ўхшаб, биз "қаламга олган" қорхона ҳам бир "незаконый" экан. Хабаримда номи зикр этилган тadbбиркор на рўйхатдан ўтган, на электр, газ, сув идораси билан шартнома тузган. Энг ёмони, солиқчиларнинг ҳам хабари бўлмаган. Мен, "туман газетасининг жамоатчи муҳбири" ҳаммасини ўзим билмаган ҳолда фот этиб қўйибман.

Бу ерга келиб, дағдага қилаётган ҳалиги жиддий одамлар ҳокимлик ва солиқ идораларининг вакиллари экан.

Жуда нуқулай аҳволда қолганман, ушунда. Тadbбиркор бўлман деб иш бошлаган акага роса ачинганман.

Лекин, охири баҳайр бўлди. Марказдан келган "меҳмон"лар тadbбиркор акамизга: "Эртанга эрталаб ҳокимликка ўтинг", деб кетишди. Кейин маълум бўлишича, шу баҳонада қорхонанинг ҳамма хат-ҳужжатларини тўғирлаб ҳам беришди.

Дарвоқе, Фотиҳжон Мусаев ҳозир туманимизнинг донги кетган тadbбиркорларидан. Бир эмас, тўртта гишт заводи бор. Ҳалиги хабарини сарлавҳаси эсингизда-дир. Тadbбиркоримиз бошқараётган хусусий фирма ҳозир худди шундай номланади...

Шухрат МУРОДОВ.



АДРАДА АЯНЧЛИ ҚИРҒИНБАРОТ

Дамашқдан 40 километрча қамаси масофадаги Адра шаҳрига "Жебхат ан-Нусра" экстремистик гуруҳ аъзолари бўлган мингдан зиёд қуролли жангарилар бостириб кириб, қирғинбарот уюштиришди.

"Ал-Ватан" ахборот хизматининг хабар беришича, жангарилар қуюқ тумандан фойдаланиб, шаҳарни қўриқлаётган миллий мудофаа қучлари постига тўсатдан ҳужум қилдилар. Қўриқчилар қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Бирок қучлар тенг бўлмагани боис чекинишга мажбур бўлишди. Жиходчилар тураржой маззеларига кириб бориб, маҳаллий саноат қорхоналари ишчилари ва уларнинг оилаларини ўлдиришга киришдилар. Гувоҳларнинг ҳикоя қилишича, қаллақасарлар аёллар ва болаларни ҳам аяб ўтиришмади. Бутун-бутун оилалар кириб ташланди, уларга ҳамда давлат муассасалари биноларига ўт қўйилди.

Қирғинбарот уюштирилган жойга етиб келган Сурия қўшинлари экстремистлар билан жангга киришдилар. Бирок, ҳозирча уларни Адрадан қувиб чиқарганларича йўқ. Шаҳар кўчаларида жанглар давом этаёпти. Афтидан экстремистлар ушбу ҳужумни атайлаб уюштиришган. Мақсадлари Сурия армиясини тоғли Калямун туманида олиб борилаётган жанговар операциялардан қалғитиб, уларнинг бир қисми Адрага жўнатилишига эришишдан иборатдир.

АШАДДИЙ ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Перунинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари АҚШнинг Федерал тергов бюроси кўпдан бўён зўр бериб қидираётган жиноятчи Эрик Бартолини қўлга туширди. Мамлакат полицияси шу ҳақда хабар тарқатди.

Маҳаллий органлар Бартолини қўлга тушириш учун тўрт йил давомида тинимсиз ҳаракат қилди. Ашаддий жиноятчининг ўзи эса 10 йилдан бўён АҚШ полициясидан қочиб юрган эди.

Бартоли ноқонуний пул топиш, қимматбаҳо қоғозлар соҳасида фирибгарлик қилиш каби бир қатор ноқонуний хатти-ҳаракатларда айбланмоқда. 1995-1999 йилларда ушбу жиноятчи Кипрда рўйхатдан ўтган "Cyprus Funds" компанияси орқали фаолият юритиб, АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатларида 800 дан зиёд инвесторларни лақиллаштириб, 65 миллион долларни қўлга киритган эди. Баъзи маълумотларга қараганда, Бартоли бир йўлга 3 мамлакат – АҚШ, Перу ва Аргентина фуқароси ҳисобланади.

ЁЛЛАНМА ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Мексиканинг Халиско штатида полиция бир неча жиноятчини қўлга олди. Улардан бири РИА "Новости" агентлигининг таъкидлашига қараганда, 200 дан зиёд кишини ўлдиришда гуноҳ қилинмоқда.

Ҳукумат тарқатган маълумотда келтирилишича, 30 ёшли жиноятчи одамларни ўғирлаш билан шуғулланган ҳамда уларни қийнаш ва ўлдиришда иштирок этган. Унинг қурбонлари орасида тибқиёвда моддалар савдоси билан шуғулланган ва турли жиноятчи гуруҳларнинг аъзолари ҳам бўлган.

Йилга уч йиллик қамоқ муддатини ўтаб чиққан жиноятчи АҚШга келиб, Мексиканинг нарқокартелларидан бирига хизмат қилган. Ҳукумат эса уни фақат тўрт марта одам ўғирлаш, қийнаш ва ўлдиришда иштирок этганини исботлади, холос. Ваҳоланки, аввалга уни нарқомафия бюрютмасига асосан 300 кишини ўлдириб юборганига гуноҳ қилинган.

АЖАЛИ ЕТМАГАН ЭКАН

Orange News нашрининг тарқатган хабарига таъкидлашича, норвегиялик қор қуровчи иш жараёнида қор уюмлари орасида велосипед ҳамда унинг ҳусисиз ётган эгасига дуч келди.

Қор қурашга мосланган машина ҳайдовчисининг ҳикоя қилишича, у велосипедчилар учун ажратилган алоҳида йўлакни тозалаётган экан. Шу пайт қор уюмидан велосипеднинг рули қилиб турганига қўш тушган. Машинадан тушиб, велосипедни қор остидан олаётиб, унинг эгасини ҳам қўриб қолди. Шу заҳотиёқ тез ёрдам машинасини чакирди. Етиб келган тиббиёт ходимлари танаси музлаб қолган велосипедчини шифохонага олиб боришди. Ҳозирча унинг ахвали қандайлиги ҳақида ахборот йўқ. Шунингдек, у қандай қилиб қор уюми тағида қолиб кетгани ҳам номаълум.

Полициядагиларнинг ҳикоя қилишича, велосипедчи ҳеч нарсага эслаб олмаётди. Фақат шуни билдики, қор қуровчи уни топиб олишидан аввал меҳмондорчиликдан келаётган экан.

Қорли ўлкаларда бундай хайратомуз воқеа-ҳодисалар бўлиб туриши табиий. Жумладан, 2012 йилнинг қишида шведиялик фуқаро ўрмонда машинасида бошқараётган қор бўронига дуч келиб, йўлдан адашди ва ўрмондан чиқиб кетолмай қолди. Оқибатда ўз машинасида фақат қор билан тамадди қилиб, икки ой яшайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
e-mail:
th.tp@mail.ru

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Мабуотчилар
кўчаси, 32.
c-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39, 233-58-85
Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар:
233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ